

**АБДУЛЛОЕВ АСЛИДДИН ЖУНАЙДУЛЛОЕВИЧ**

**АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
УСУЛБИЙ АСОСЛАРИ**

**Бухоро -2023**

“...қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-куватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳамият бермоқдамиз”.

**Ш.М. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Мазкур услубий тавсиялар аграр соҳа иқтисодиётини янада эркинлаштириш, модернизациялаш ва бошқариш тизимини демократлаштириш жараёнларининг кейинги босқичлари вазифаларига мос келадиган ва жавоб берадиган, ривожланган давлатларда узоқ даврлар мобайнида ва синовдан ўтган агрокластерлар фаолиятини бошқаришнинг усулбий асосларини ривожлантириш муаммоларига бағищланган.

Услубий тавсиялар қишлоқ хўжалиги, у билан боғлиқ бўлган тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбар-мутахассислари, инфратузилма субъектлари ҳамда фермер ва дехқон хўжаликлари раҳбарлари, аграр соҳада агрокластерлар фаолиятини бошқаришнинг усулбий асослари масаласи билан шуғулланувчи илмий ходимлар ҳамда иқтисодиёт ихтисослигидаги олий ўқув юртлари бакалавр ва магистрантлари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**                   **и.ф.д., профессор Б.Н.Навруз-Зода**  
**и.ф.д., профессор Н.С.Ибрагимов**

**Услубий тавсиялар и.ф.ф.д., профессор А.Ж.Абдуллоев томонидан ишлаб чиқилган.**

Услубий тавсиялар “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг илмий кенгашининг **2023 йил 1 ноябрдаги 7-сонли баённоамаси** билан маъқулланган.

**М У Н Д А Р И Ж А****Бет**

|  |           |
|--|-----------|
| <b>КИРИШ .....</b>   | <b>6</b>  |
| 1.Агрокластерларни бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётини такомиллаштириш.....  | 8         |
| 2. Хусусий секторнинг ишланма ва тадқиқотларга бўлган талабини таъминлаш, илмий муассасалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, инновацияларни молиялаштиришни (co-finance) рағбатлантириш..... | 15        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>   | <b>20</b> |

## КИРИШ

Жаҳонда экологик муаммоларнинг тобора авж олиб бориши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш жараёнларини кластеризациялаш орқали бошқарув амалиёти такомиллаштирилиб, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтижларини самарали қондиришга қаратилган дастурларни амалга оширишга устуворлик қаратилмоқда. “Агрокластерлар қишлоқ хўжалигидаги кенг кўламли инновацион лойиҳларни амалга ошириш ҳисобига соҳани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш имконини бермоқда”<sup>1</sup>. Шунингдек, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, “жаҳонда сўнгги беш йилда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли сони 2,6 мартаға ортиб, бугунги кунда 38,2 млн. кишини ташкил этади”<sup>2</sup>.

Жаҳонда агрокластерлар бошқарувининг услугий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда агрокластерлар инновацион бошқаруви амалиётини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини, уларнинг бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиётини, агрокластер бошқарувининг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш, улардаги интеграцион муносабатларни оптималлаштириш орқали агролкастер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг капитализациялашув даражасини ошириш ҳисобига молиявий барқарорлигини таъминлаш кабиларга устуворлик қаратилмоқда. Шу сабабли, иктисодий адабиётда агрокластер бошқарувининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришнинг услугий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар сони ортиб бормоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини кластеризациялаш орқали худудларда қишлоқ хўжалиги

<sup>1</sup> Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: [https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening\\_Clusters\\_and\\_Competitiveness\\_in\\_Europe.pdf](https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf)

<sup>2</sup> COVID-19: Введение экономических стимулов с целью сглаживания долговременных негативных последствий для уровня голода. <http://www.fao.org/news/story/ru/item/1273496/icode/>

маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувни кучайтиришга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-куватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам қўпроқ аҳамият бермоқдамиз”<sup>3</sup>. Ушбу ҳолат мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланишда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва унинг бошқаруви амалиётини такомиллаштиришга устуворлик қаратилаётганлигидан далолат беради.

Бинобарин, агрокластерлар бошқарувининг услубий асосларини такомиллаштириш барқарор ривожлантиришнинг ушбу истиқболли йўналиши билан боғлиқ устувор вазифаларни белгилаб олиш ҳамда уларни босқичма босқич ҳал этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан йўллаган табриги. 15.12.2020. <https://www.navoivet.uz/tashkilot-hakida/yangiliklar/566-zbekiston-1179ishlo1179-hzhaligi-hodimlariga.html>

## 1. Агрокластерларни бошқарув самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётини такомиллаштириш

Замонавий менежмент назарияларида бошқарув самарадорлигини баҳолашда хўжалик фаолияти юритишнинг якуний натижаларини таҳлил қилишга устуворлик қаратилинади. Жумладан, бугунги кунга қадар иқтисодий адабиётда барча турдаги корхона ва ташкилотлар бошқаруви самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи ягона ёндашув тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Бунинг сабаби ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш бўйича ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқиш зарур, деган хulosага келинди. Бунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига асосланиш талаб этилади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётини шакллантиридик (1-расмга қаранг).



**1-расм. Агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиёти<sup>4</sup>**

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Бунда ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорликни кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Таклиф этилаётган услубиёт асосида агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашда ташкилий-ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи хўжалик юритиш субъекти бошқарув амалиёти билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги ўзаро боғлиқликка асосланилган. Бунда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда моддий ресурслардан, жумладан, асосий фондлардан фойдаланиш ҳолати таҳлил этилади ва қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- асосий фондлар рентабеллиги даражасининг ўсиш коэффициенти;
- харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми рентабеллигининг ўсиши коэффициенти;
- агрокластер фаолиятининг рентабеллик коэффициенти.

Юқорида келтириб ўтилган агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилий-ишлаб чиқариш ёндашуви асосида баҳолаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш формулалари, жумладан, уларнинг тавсифланавиши 1-жадвалда келтириб ўтилган бўлиб, умумий натижалар ушбу беш кўрсаткичлар ўртача арифметигини ҳисоблашга асосланилади ва қуидаги (1) формула асосида аниқланади (1-жадвалга қаранг).

$$S_{TICh} = \frac{K_{AFR} + K_{XR} + K_{IChM} + K_{TR} + K_{AFR}}{5} \quad (1)$$

Агрокластер бошқаруви самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиётининг кейинги таркибий кўрсаткичи сифатида ижтимоий-иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари танлаб олинди. Бунда агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларида меҳнат унумдорлигининг ортиши ўрганилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий агролкастер фаолитида

мөхнат унумдорлигини оширишда кадрлар салоҳияти ҳам мұхим ахамият касб этади.

### 1-жадвал

#### Агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилий-ишлаб чиқариш ёндашуви асосида баҳолаш<sup>5</sup>

| Күрсаткыч   | Хисоблаш формуласи  | Формула таркибий тузилиши тавсифи  |
|---|---|--|
| Асосий фондлар рентабеллиги даражасининг ўсиш коэффициенти                  | $K_{AFR} = \frac{MSD_i}{AFQ_{i(o'rt)}} : \frac{MSD_{i-n}}{AFQ_{i-n(o'rt)}}$ | $MSD_i$ – хисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;<br>$MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;<br>$AFQ_{i(o'rt)}$ – хисобот даврида асосий фондларнинг ўртача қиймати;<br>$AFQ_{i-n(o'rt)}$ – хисобот даврида асосий фондларнинг ўртача қиймати |
| Харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти                               | $K_{XR} = \frac{MSD_i}{IChX_i} : \frac{MSD_{i-n}}{IChX_{i-n}}$              | $IChX_i$ – хисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми;<br>$IChX_{i-n}$ – базис даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми   |
| Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти                                   | $K_{IChM} = \frac{IChM_i}{IChM_{i-n}}$                                      | $IChM_i$ – хисобот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми;<br>$IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми   |
| ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми рентабеллигининг ўсиши коэффициенти | $K_{TR} = \frac{MSD_i}{MSF_i} : \frac{MSD_{i-n}}{MSF_{i-n}}$                | $MSF_i$ – хисобот даврида маҳсулот сотишдан олиган соғ фойда ҳажми;<br>$MSF_{i-n}$ – базис даврда маҳсулот сотишдан олинган соғ фойда ҳажми  |
| Агрокластер фаолиятининг рентабеллик коэффициенти                           | $K_{AFR} = \frac{MSF_i}{(X+S)_i} : \frac{MSF_{i-n}}{(X+S)_{i-n}}$           | $(X + S)_i$ – хисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари (субсидия ва имтиёзларни инобатта олган ҳолда);<br>$(X + S)_{i-n}$ – базис даврда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари (субсидия ва имтиёзларни инобатта олган ҳолда);  |

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Шу билан биргаликда, замонавий менежмент назарияларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ишлаб чиқариш жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳит, ижтимоий фаоллик, ҳодимларни рағбатлантириш каби кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқланган.

Шу сабабли ушбу кўрсаткични баҳолаш натижалари аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида ҳодимлар ўртасида сўровномалар ўтказиш ҳам талаб этилади. Умумий ҳолда агрокластер бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўйидагилардан ташкил топади:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиш коэффициенти;
- ҳар бир ишчи жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражасининг ўсиш коэффициенти;
- персонални бошқариш бўғини фаолияти самарадорлиги;
- меҳнат рентабеллигининг ўсиш коэффициенти.

Юқорида келтирилган агрокластер фаолиятини ижтимоий-иқтисодий бошқаруви самарадорлигининг таркибий кўрсаткичларини ҳисоблаш тенгламалари 2-жадвалда келтириб ўтилган бўлиб, олинган натижалар асосида қўйидаги (2) формула асосида ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади (2-жадвалга қаранг):

$$S_{IIBS} = \frac{K_{MU} + K_D + K_{IH} + K_{PBR} + K_{MR}}{5} \quad (2)$$

Кейинги таркибий кўрсаткич сифатида молиявий-инвестицион бошқарув самарадорлиги танлаб олинган. Агрокластер фаолиятининг молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлиги капитал қўйилмалари, давлат томонидан ажратилган субсидия, дотация, ички ва ташқи инвестициялардан оқилона фойдаланишни таҳлил қилишда қўлланилади. Жумладан, агрокластернинг моддий-техник базасини мустахкалаш мақсадида замонавий, энергия сарфини тежовчи, инновацион ишлаб чиқариш техникаларини тўғридан-тўғри

хорижий инвестициялар ёки инновацион харажатлар ҳисобига сотиб олиш харажатлари ҳам шулар жумласига киради.

## 2-жадвал

### Агрокластер фаолиятининг ижтимоий-иктисодий бошқаруви самарадорлигини баҳолаш<sup>6</sup>

| Кўрсаткич   | Ҳисоблаш формуласи  | Формула таркибий тузилиши тавсифи  |
|---|---|--|
| Мехнат унумдорлигининг ўсиш коэффициенти                                    | $K_{MU} = \frac{IChM_i}{IS_i} : \frac{IChM_{i-n}}{IS_{i-n}}$  | $IChM_i$ – хисобот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми;<br>$IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми;<br>$IS_i$ – хисобот давридаги ўртача ишчилар сони<br>$IS_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача ишчилар сони |
| Хар бир ишчи жон бошига тўғри келадиган даромад хажмининг ўсиш коэффициенти | $K_D = \frac{MSD_i}{IS_i} : \frac{MSD_{i-n}}{IS_{i-n}}$       | $MSD_i$ – хисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;<br>$MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми   |
| Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражасининг ўсиш коэффициенти             | $K_{IH} = \frac{IH_i}{IH_{i-n}}$                              | $IH_i$ – хисобот давридаги ўртача иш ҳақи ҳажми;<br>$IH_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача иш ҳақи ҳажми   |
| Персонални бошқариш бўғини фаолияти самарадорлиги                           | $K_{PBR} = \frac{IChM_i}{BH_i} : \frac{IChM_{i-n}}{BH_{i-n}}$ | $BH_i$ – хисобот давридаги ўртача бошқарув ҳодимлари сони<br>$BH_{i-n}$ – базис даврдаги ўртача ишчилар сони   |
| Мехнат рентабеллигининг ўсиш коэффициенти                                   | $K_{MR} = \frac{IChX_i}{BH_i} : \frac{IChX_{i-n}}{BH_{i-n}}$  | $IChX_i$ – хисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми;<br>$IChX_{i-n}$ – базис даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми   |

Агрокластер фаолиятининг молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлигининг таркибий кўрсаткичлари қаторига қўйидагилар киради (3-жадвалга қаранг):

- инновацион харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти;

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилган

## 3-жадвал

**Агрокластер молиявий-инвестицион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш<sup>7</sup>**

| Кўрсаткич   | Ҳисоблаш формуласи   | Формула таркибий тузилиши тавсифи  |
|---|--|--|
| Инновацион харажатлар рентабеллигининг ўсиш коэффициенти                          | $K_{IXR} = \frac{MSD_i}{IX_i} : \frac{MSD_{i-n}}{IX_{i-n}}$    | $MSD_i$ – ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми;<br>$MSD_{i-n}$ – Базис даврда маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳажми<br>$IX_i$ – ҳисобот давридаги инновацион харажатлар ҳажми;<br>$IX_{i-n}$ – базис даврдаги инновацион харажатлар ҳажми             |
| Бир бирлик инвестиция ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти | $K_{IHMICH} = \frac{IChM_i}{I_i} : \frac{IChM_{i-n}}{I_{i-n}}$ | $IChM_i$ – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми;<br>$IChM_{i-n}$ – базис даврдаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми;<br>$I_i$ – ҳисобот даврида жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми<br>$I_{i-n}$ – базис даврда жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми |
| Бир бирлик инвестиция ҳисобига даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти                | $K_{IHDS} = \frac{MSD_i}{I_i} : \frac{MSD_{i-n}}{I_{i-n}}$     |  |
| Инвестицияларнинг (жумладан, давлат инвестициялари) ўсиш коэффициенти;            | $K_I = \frac{I_i}{I_{i-n}}$                                    | $I_i$ – ҳисобот даврида жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми<br>$I_{i-n}$ – базис даврда жалб этилган ялпи инвестициялар ҳажми  |
| Илмий тадқиқот ва кадрлар салоҳиятини ошириш харажатларининг ўсиш коэффициенти    | $K_{IKX} = \frac{IKX_i}{IKX_{i-n}}$                            | $IKX_i$ – ҳисобот даврида ишчилар малакасини ошириш ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирилган жами харажатлар;<br>$IKX_{i-n}$ – базис даврда ишчилар малакасини ошириш ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирилган жами харажатлар   |

- бир бирлик инвестиция ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш коэффициенти;
- бир бирлик инвестиция ҳисобига даромад ҳажмининг ўсиш коэффициенти;

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган

- инвестицияларнинг (жумладан, давлат инвестициялари) ўсиш коэффициенти;

- илмий тадқиқот ва кадрлар салоҳиятини ошириш харажатларининг ўсиш коэффициенти.

Табиий-экологик самарадорлик ёндашуви асосида агролкастер бошқаруви самарадорлигини баҳоланиши аграп соҳада ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш табиий-экологик шарт-шароитлар билан бевосита боғланганлиги билан изоҳланади.

Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик бошқаруви самарадорлиги таркибига табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик самарадорлик коэффициентлари киритилиб, улар 4-жадвалда келтирилган тартибда ҳисобланади (4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

#### Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик самарадорлигини баҳолаш<sup>8</sup>

| Кўрсаткич   | Ҳисоблаш формуласи  | Формула таркибий тузилиши тавсифи  |
|---|---|--|
| Табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти | $K_{TRF} = \frac{MSD_i}{TRF_i} : \frac{MSD_{i-n}}{TRF_{i-n}}$ | $TRF_i$ – ҳисобот даврида фойдаланилган табиий ресурслар ҳажми;<br>$TRF_{i-n}$ – базис даврда фойдаланилган табиий ресурслар ҳажми |
| Экологик самарадорлик коэффициенти                        | $K_{EKS} = \frac{MSD_i}{EZ_i} : \frac{MSD_{i-n}}{EZ_{i-n}}$   | $EZ_i$ – ҳисобот давридаги экологик зарар ҳажми;<br>$EZ_{i-n}$ – базис даврдаги экологик зарар ҳажми;                              |

Агрокластер бошқарувининг табиий-экологик бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича умумлашган хulosалар қўйидаги (4) формула асосида шакллантирилади:

$$S_{TES} = \frac{K_{TRF} + K_{EKS}}{2} \quad (4)$$

Таклиф этилаётган агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорлик

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган

күрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш натижалари қуидаги (5) формула асосида умумлаштирилади:

$$S_{ABS} = \frac{S_{TICH} + S_{IBBS} + S_{MIBS} + S_{TES}}{4} \quad (5)$$

Юқорида келтириб ўтилган (1.6) формула асосида олинган натижалар 1,0 дан катта ёки кичиклик даражасига кўра, қуидаги тартибда гурухларга ажратилади:

- агарда  $S_{ABS} < 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарадорлиги қониқарсиз даражада;
- агарда  $S_{ABS} = 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарадорлиги қониқарли даражада;
- агарда  $S_{ABS} > 1$  бўлса, агрокластер бошқаруви самарали деб баҳоланади.

Таклиф этилаётган агрокластер бошқаруви самарадорлигини ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иктисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорлик кўрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш услубиёти қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўладиган маълумотларни топиш осонлиги;
- ҳисоблаш амалиётининг содда ва тушунарли тартибда тузилганлиги;
- агрокластер фаолияти билан боғлиқ бўлган барча соҳаларни тўлиқ қамраб олинганлиги;
- нафақат мамлакатимиз, балки бошқа мамлакатлар амалиётида ҳам қўллаш имкониятининг мавжудлиги.

## **2. Хусусий секторнинг ишланма ва тадқиқотларга бўлган талабини таъминлаш, илмий муассасалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, инновацияларни молиялаштиришни (co-finance) рағбатлантириш.**

Прогноз кўрсаткичлар кўрсатишича, 2021-2025 йилларда республика қишлоқ хўжалигидаги шўрланган ер майдонлари ҳажмини 93,3 минг гектарга камайтириш режалаштирилган. Шу билан биргаликда, республиканинг қишлоқ хўжалиги ер ресурслари таркибида шўрланиш даражаси юқори бўлган

Қорақалпоғистон Республикасида прогноз қилинаётган даврда шўрланган ер майдонлари ҳажмини 17,3 минг гектарга, Сирдарё вилоятида 13,4 минг гектарга, Хоразм вилоятида 12,7 минг гектарга, Бухоро вилоятида 11,3 минг гектарга, Қашқадарё вилоятида 11,2 минг гектарга ва Жиззах вилоятида эса 11,1 минг гектарга камайтириш орқали ушбу худудларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер ресурсларининг сифат кўрсаткичларини янада такомиллаштиришга эришилиши мумкин бўлади (5-жадвалга қаранг).

#### 5-жадвал

**Ўзбекистон республикаси ва унинг вилоятлари кесимида  
қишлоқ хўжалигидаги шўрланган ер ресурслари ҳажмини  
камайтириш бўйича прогноз кўрсаткичлар, минг гектарда<sup>9</sup>**

| Т/р | Худудлар                     | Мавжуд шўрланган майдон, 2021 й. | шундан, шўрланган майдонинг камайиши: |          |          |          | 2021-2025 йиллардаги ўзгариш +/- |
|-----|------------------------------|----------------------------------|---------------------------------------|----------|----------|----------|----------------------------------|
|     |                              |                                  | 2022 йил                              | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил |                                  |
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси      | 1902,3                           | 1883,3                                | 1845,7   | 1827,3   | 1809,0   | -93,3                            |
| 2.  | Қорақалпоғистон Республикаси | 353,3                            | 349,7                                 | 342,8    | 339,4    | 336      | -17,3                            |
|     | вилоятлар:                   |                                  |                                       |          |          |          |                                  |
| 3.  | Андижон вилояти              | 6,7                              | 6,6                                   | 6,5      | 6,4      | 6,3      | -0,4                             |
| 4.  | Бухоро вилояти               | 231,1                            | 228,8                                 | 224,2    | 222      | 219,8    | -11,3                            |
| 5.  | Жиззах вилояти               | 225,8                            | 223,6                                 | 219,1    | 216,9    | 214,7    | -11,1                            |
| 6.  | Қашқадарё вилояти            | 229                              | 226,8                                 | 222,2    | 220      | 217,8    | -11,2                            |
| 7.  | Навоий вилояти               | 100,2                            | 99,2                                  | 97,2     | 96,2     | 95,3     | -4,9                             |
| 8.  | Наманган вилояти             | 24,2                             | 24                                    | 23,5     | 23,3     | 23       | -1,2                             |
| 9.  | Самарқанд вилояти            | 6,3                              | 6,2                                   | 6Д       | 6        | 6        | -0,3                             |
| 10. | Сурхондарё вилояти           | 93,8                             | 92,8                                  | 91       | 90,1     | 89,2     | -4,6                             |
| 11. | Сирдарё вилояти              | 272,5                            | 269,8                                 | 264,4    | 261,8    | 259,1    | -13,4                            |
| 12. | Тошкент вилояти              | 10                               | 9,9                                   | 9,7      | 9,6      | 9,5      | -0,5                             |
| 13. | Фарғона вилояти              | 91                               | 90,1                                  | 88,3     | 87,4     | 86,6     | -4,4                             |
| 14  | Хоразм вилояти               | 258,4                            | 255,8                                 | 250,7    | 248,2    | 245,7    | -12,7                            |

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-277-сон Қарорига 3.2-илова, 10.06.2022 й. <https://lex.uz/docs/6058690#6059476> маълумотлари асосида тузилган

Шу билан биргаликда мамлакатимизда деградацияяга учраган яйловлар ҳажми 2021 йилда 2 517,1 минг гектарни ташкил этган бўлса, ушбу худудларнинг 42,0 фоизи Навоий вилояти худудида ва 24,5 фоизи Қорақалпоғистон яйловлари майдонларига тўғри келади.

Прогноз кўрсаткичлар таҳлилига кўра, республика қишлоқ хўжалигига деградацияяга учраган яйловлар ҳажмини 2025 йилга қадар бўлган муддатда республика бўйича ўрта хисобда 3,3 мартаға камайтириш режалаштирилган (6-жадвалга қаранг).

#### **6-жадвал**

#### **Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистонда деградацияяга учраган яйловларни камайтириш бўйича прогноз кўрсаткичлар, минг гектарда<sup>10</sup>**

| Т/р | Худудлар                     | Мавжуд шўрланган майдон, 2021 й. | шундан, шўрланган майдонинг камайиши: |          |          |          | 2021-2025 йиллардаги ўзгариш +/- |
|-----|------------------------------|----------------------------------|---------------------------------------|----------|----------|----------|----------------------------------|
|     |                              |                                  | 2022 йил                              | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил |                                  |
| 1.  | Ўзбекистон Республикаси      | 2517,1                           | 2242,2                                | 1777,0   | 1099,8   | 755,1    | -1762,0                          |
| 2.  | Қорақалпоғистон Республикаси | 617,1                            | 549,7                                 | 435,6    | 269,6    | 185,1    | -432,0                           |
|     | вилоятлар:                   |                                  |                                       |          |          |          |                                  |
| 3.  | Андижон вилояти              | 2,5                              | 2,2                                   | 1,8      | 1Д       | 0,8      | -1,7                             |
| 4.  | Бухоро вилояти               | 304,4                            | 271,1                                 | 214,9    | 133      | 91,3     | -213,1                           |
| 5.  | Жizzах вилояти               | 86,1                             | 76,7                                  | 60,8     | 37,6     | 25,8     | -60,3                            |
| 6.  | Қашқадарё вилояти            | 167,4                            | 149,1                                 | 118,2    | 73,1     | 50,2     | -117,2                           |
| 7.  | Навоий вилояти               | 1 058,4                          | 942,8                                 | 747,1    | 462,5    | 317,5    | --740,9                          |
| 8.  | Наманган вилояти             | 19,6                             | 17,5                                  | 13,9     | 8,6      | 5,9      | 13,7                             |
| 9.  | Самарқанд вилояти            | 94,8                             | 84,5                                  | 66,9     | 41,4     | 28,4     | -66,4                            |
| 10. | Сурхондарё вилояти           | 98,2                             | 87,5                                  | 69,3     | 42,9     | 29,5     | -68,7                            |
| 11. | Сирдарё вилояти              | 2,4                              | 2Д                                    | 1,7      | 1        | 0,7      | -1,7                             |
| 12. | Тошкент вилояти              | 52,1                             | 46,4                                  | 36,8     | 22,8     | 15,6     | -36,5                            |
| 13. | Фарғона вилояти              | 1,1                              | 1                                     | 0,8      | 0,5      | 0,3      | -0,8                             |
| 14  | Хоразм вилояти               | 13                               | 11,6                                  | 9,2      | 5,7      | 3,9      | -9,1                             |

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишининг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-277-сон Қарорига 3.3-илова, 10.06.2022 й. <https://lex.uz/docs/6058690#6059476> маълумотлари асосида тузилган

Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида унумдорлиги қайта тикланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришга устуворлик қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Прогноз кўрсаткичлар таҳлилига кўра, республика қишлоқ хўжалигида деградацияга учраган яйловлар ҳажмини 2025 йилга қадар бўлган муддатда республика бўйича ўрта ҳисобда 3,3 мартаға камайтириш режалаштирилган (6-жадвалга қаранг).

Фикримизча, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида унумдорлиги қайта тикланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришга устуворлик қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунда агрокластерлар томонидан қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритишида фойдаланилаётган ер ресурслари, жумладан, унумдорлиги қайта тикланган ер ресурсларидан фойдаланишда қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича вазирликлар (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги), ихтисослаштирилган илмий тадқиқот институтлари (масалан, тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, «Ўздаверлойиха» давлат илмий лойиҳалаш институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси), олий таълим муассасалари ва ушбу соҳада фаолият олиб борувчи давлат ташкилотлари (масалан, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази) ўртасида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер ресурсларини ҳимоялаш ижтимоий-иктисодий-экологик нуқтаи назардан давлат-хусусий шериклик механизмини шакллантириш лозим (2-расмга қаранг).



**2-расм. Агрокластер бошқарувида ер ресурсларидан фойдаланишининг ижтимоий-иқтисодий-экологик жиҳатдан давлат-хусусий шериклик механизми<sup>11</sup>**

Таклиф этилаётган агрокластер бошқарувида ер ресурсларидан фойдаланишининг ижтимоий-иқтисодий-экологик жиҳатдан давлат-хусусий шериклик механизмини амалиётга жорий этилиши натижасида замонавий инновацион технологиялар асосида ер ресурсларидан фойдаланиш

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан такомиллаштирилган

имкониятлари кенгайиб, соҳада фойдаланилаётган экин майдорларининг унумдорлигини тизимли мониторинг қилиш билан биргаликда, деградацияга учраган қишлоқ хўжалиги ерларини ҳолатини яхшилаш ва уларнинг заарланишини олдини олишга эришилади. Жумладан, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ер ресурслари тўғрисидаги маълумотлар жамлаш орқали ер ресурслари баланси ҳақидаги тўлиқ ахборотларни кўрсаткичи агрокластер таркибига кирмайдиган қишлоқ хўжалиги субъектларига 15-20 фоизга нисбатан юқори ҳисобланади. шакллантиришга эришилади. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда қишлоқ хўжалигига ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш амалиёти таҳлилига кўра, қишлоқ хўжалигига кластерли бошқарувни жорий этилиши ҳисобига ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, агрокластерларга интеграция қилинган қишлоқ хўжалиги субъектларининг ҳар 1 гектардан оладиган ҳосилдорлик

## Х У Л О С А

Умумий хулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизча:

- қишлоқ хўжалигини агрокластерли бошқарув асосида ривожлантириш унга аъзо бўлган таркибий корхоналарнинг умумий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда хўжалик фаолияти юритиш бўйича қарорларни қабул қилинишида ўз аксини топади. Шу билан биргаликда, агрокластерли бошқарув қишлоқ хўжалигига инновацион фаоллик даражасини ошириш имкониятларини кенгайтиради;

- иқтисодий адабиётда ихтисослаштирилган ва ҳудудий агрокластерларни ташкил этиш амалиёти ўзаро фарқланади. ихтисослашган агрокластер таркибига киравчи иқтисодий

субъектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик вертикал ва горизонтал ҳамкорлик алоқаларидан самараги фойдаланишга қаратилган бўлади. Худудий агрокластер эса географик жиҳатдан бир-бирига ўзаро яқин жойлаашган қишлоқ хўжалиги субъектлари, корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги барқарор ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган хўжалик юритувчи гуруҳни англатади. Бу турдаги агрокластерлар миллий қўшилган қиймат занжирини яратиш билан биргаликда, ички бозорни тўйинтириш имконини беради.

- агрокластер фаолиятини ташкил этишнинг географик, инновацион, ихтиёрийлик, “ядро” кластер, давлат-хусусий шериклик, иқтисодий манфаатлар устуворлиги ва ижтимоий-технологик кластер тамойиллари мавжуд;

- агрокластер фаолиятини ташкил этиш орқали мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги билан биргаликда, унинг таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг инновацион фаоллиги даражасини оширишга хизмат қиласди. Жумладан, ички бозорни тўйинтириш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш имкониятлари кенгаяди;

- иқтисодий адабиётда агролкастер бошқаруви самарадорлигини баҳолаш бўйича кўп сонли илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ҳалигача янгона умумқабул қилинган баҳолаш амалиёти шаклланмаган. Мазкур ҳолат илмий изланишларда агрокластер бошқаруви самарадорлигини баҳолаш амалиёти тадқиқот обьектидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади;

- мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, агрокластер бошқарувини ташкилий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, молиявий-инвестицион ва табиий-экологик самарадорлик кўрсаткичларидан ташкил топган баҳолаш услубиётидан фойдаланган ҳолда баҳолаш лозим, деган холосага келинди; Таклиф этилаётган баҳолаш услубиёти учун маълумотларни жамлаш ва уларни

ҳисоблаш амалиёти содда тартибда тузилганлиги билан биргаликда, ҳар қандай мамлакат амалиёти учун мос келиши унинг бошқа баҳолаш усулларидан афзаллигини англатади.

- Янги Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида табий-экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, соҳада қўшилган қиймат занжирини мустаҳкамлашда агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уларни бошқариш амалиётини такомиллаштиришга устуворлик қаратилиб келинмоқда;

- мамлакатда ҳудудий тамойилга асосланган ҳолда давлат кафолати ва иштироки асосида хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали агрокластерлар фаолиятини ташкил этилади. Бунда ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашувини инобатга олиб, агрокластер фаолияти йўналиши аниқланади;

- агрокластерлар фаолиятини тартибга солиш, назорат қилишда қўплаб бевосита ва билвосита дастаклар орқали давлатнинг аралашуви нисбатан юқори ҳисобланади;

- агрокластерлар мамлакатда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берувчи хўжалик юритиш шакли ҳисобланади;

- мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида агрокластерлар фаолиятида фойдаланилаётган ер ресурсларининг аксарияти пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластерлари хиссасига тўғри келади. Жумладан, республика ҳудудлари кесимида агрокластерлар эгалигидаги ер ресурсларини таҳлил қилинадиган бўлса, мева-сабзавотчилик ва шоличилик тармоқларидағи агрокластерларнинг ер ресурслари ҳажми пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик соҳасига нисбатан кескин даражада кам эканлиги билан характерланади;

- агрокластер фаолиятини ташкил этишда ер ресурсларидан самарали фойдаланишда ҳар бир мамлакатда унинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этилиши талаб этилади. Бунда инсонлар томонидан яратилган ва мунтазам сақлаб туриладиган биотик ҳамжамият, яъни, қишлоқ

хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ер ресурсларида яшовчи турли организмларнинг бирлиги агроэкотизим сифатида эътироф этилади. Ушбу ёндашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ер ва сув ресурслари билан ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб биологик, физик ва кимёвий компонентлар инобатга олинади;

- мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг давлат-хусусий шериклик механизмига асосланган уч ёқлама молиялаштириш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланиш схемасини амалиётга жорий этиш лозим. Бунда қишлоқ хўжалиги фаолияти юритаётган дехқон ва фермер хўжаликларини кооперациялаштириш ёки уларни агрокластерларга интеграциялашувини жадаллаштириш талаб этилади;

- мамлакатимиз амалиётида агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнларида давлатнинг иштирокини камайтириш орқали ушбу жараёнларни бозор иқтисодиёти элементлари билан тўйинтириш талаб этилади. Шунингдек, давлат кафолати остида жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилаётган агрокластерлар фаолиятини таҳлил қилинса, улар жойлашган ҳудуд бўйича нисбатан агрокластерлар монополистик хусусиятга эга бўлишмоқда;

**АБДУЛЛОЕВ АСЛИДДИН ЖУНАЙДУЛЛОЕВИЧ**

иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, профессор

Муҳаррир – А Қаландаров  
Оригинал макет тайёрловчи – М.Бафоева  
Шартли б.т. 2,4. Босма тобоғи 2,0.  
Нусхаси - 50.

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.